

Салоҳиддин Айюбийнинг аскарлари душман лашкаргоҳларини қандай осон топиб олган



09:00 / 27.01.2024 2400

Испания қироличаси Изабелла Кастильская (XV асрнинг охири) бутун ҳаёти давомида икки марта - туғилганида ва тўйи куни чўмилганини эътироф этган. Француз қиролларидан бири битлаб кетгани учун ҳалок бўлган. Папа Климент V ичбуруғдан (дизентерия) вафот этган, Папа Климент VII эса қичимадан қийналиб ўлган, қирол Филипп II ни ҳам ғужғон битлар еб битирган деб эслашади. Герцог Норфолк диний эътиқодидан келиб чиқиб ювинишдан бош тортар эди. Унинг танаси йирингли яралар билан қопланиб кетган эди. Шунда хизматкорлар бу ҳазрати олийларининг ўлгудек ичиб, маст бўлиб қолишини кутишган ва пайтдан фойдаланиб, зўрға ювинтириб олишган экан.

Франция қироли Людовик XIV ҳам ҳаётида икки мартаба ювинган бўлиб, шунда ҳам табибларнинг тавсияси билан чўмилган. Ювиниш монархни шу қадар даҳшатга солган эканки, у энди ҳеч қачон сув ишлатмайман деб қасам ичган экан.

Терма деб аталувчи Рим ҳаммомлари фақат суратлардагина қолган эди. Насроний Европа ҳаммом нималигини билмас эди. Европанинг муҳим кашфиёти бўлган хушбўй атирлар айнан ҳаммом йўқлиги туфайли пайдо бўлган эди. Машҳур француз парфюмериясининг биринчи даражали вазифаси – йиллаб ювилмаган тананинг қўланса ҳидини атирларнинг ўткир ҳиди билан ёпиб юбориш эди.

Дастрўмолчалар дастлаб роҳибларда пайдо бўлган. Баъзи роҳибларни турли саҳроий «авлиё ота»лардан фарқли равишда жуда озода дейиш мумкин эди, чунки 817 йилги Ахен собори уларни ўз кийимларини ювиш ва тоза тутишга буюрган эди. Бурсфельднинг қарорлари роҳиблардан қишда ҳар ойда икки марта, ёзда ҳар ойда бир марта кўйлаklarини ювишни талаб қилар эди. Ключи аббатлигида ҳафталик навбатчилар дастрўмолчаларни ҳам ювишарди. Бу рўмолларнинг узунлиги деярли бир метр бўлиб, роҳиблар уларни белларига илиб юришарди. Дастрўмолчалардан фойдаланиш қатъий тартибга солинган эди – бурун ёки оғиздан чиққан нарсаларни оёқ билан полга яхшилаб ишқалаб ташлаш керак эди. Бундан мақсад асаби бўш биродарларнинг кўнглини айнитмаслик эмас (Эйнсхемнинг урф-одатлар тўпламида шундай дейилган), балки ибодат пайтида ўша биродарларнинг кийимларини ифлос қилмаслик эди.

Ана шундай рўмолчалардан бирига келгусида... галстукка айланиб кетиш насиб қилган. Гап шундаки, Людовик XIV ўз жазмани Франсуаза де Бланни ташлаб кетгач, хоним ундан жуда нозик йўл билан ўч олди – унга рўмолча совға қилиб, қирол бу рўмолчани доим тақиб юрмаса, тожидан айрилиб қолишини шипшитиб қўйди. Ирим-сиримларга кўр-кўрона ишонадиган монарх эса рўмолчадан ажралмай қўйди. Қиролнинг киндигигача тушиб турадиган бу лаънати рўмолча овқатланиш пайтида кир бўлиб кетар, қиролнинг ясама сочига илашиб қолар, шўрванинг ичига тушиб кетар ва қирол ҳазрати олийларининг жиғибийрон қилар эди. Бу «янги мода»нинг асл сабабидан беҳабар сарой лаганбардорлари эса тезда уни ўзлаштириб,

худди шундай рўмол тутадиган бўлишди ва қулайлик учун уни қисқароқ қилиб олишди. Галстукнинг тарихи ана шундай бошланган эди.

Германиялик тарихчи-эпидемиолог профессор Г. Гезернинг «Оммавий касалликлар тарихи» деб номланган икки жилдлик асари рус тилига таржима қилиниб, 1868 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган. Профессор Гезер сифилис ва шу каби бошқа касалликларга илк бор эътибор қаратиб, уларни одамларнинг феъл-атворидаги туб ўзгаришларнинг асосий сабаби деб айтган. Масалан, XVII-XVIII асрлардаги сифилис модаларни белгилаб берган. Гезернинг ёзишича, сифилис туфайли (тўғрироғи, уни симоб билан даволаш туфайли) одамларнинг бошида ва юзида ҳеч қандай соч ёки тук қолмас эди. Шунинг учун жаноблар хонимларга ўзларининг хавфсиз экани ва бундай касали йўқлигини кўрсатиб қўйиш учун соч-соқолларини жуда узун қилиб юрадиган бўлишди. Маълум бир сабабларга кўра узун соч-соқолга эга бўлмаганлар эса ясама соч – парикларни ўйлаб топишди. Жамиятнинг олий табақаларида сифилисга чалинганлар жуда кўп бўлгани учун бу янгилик Европа ва Шимолий Америкада тезгина модага айланиб кетди. Донишмандларнинг суқротона тепакаллиги ҳозирги кунгача ҳурматга сазовор бўлмай қўйди.

Бироқ, бу муаммо фақат жанобларга хос эмас эди – тепакаллик фақат уларда эмас, хонимларда ҳам учрар эди. Табиийки, улардаги тепакаллик донишмандликнинг нишонаси эмас эди. Натижада улар ҳам париклар ёрдамида беркитилди. Европанинг барча тилларида деярли бир хил талаффуз қилинган «парик» сўзидан (французча *peruque*, италянча *raggissa*, немисча *perücke* ва ҳоказо) ушбу парикларни ясовчиларнинг номи – парикмахер сўзи келиб чиқди. Нафақат севильялик, балки барча сартарошларнинг бозори чаққон бўлиб кетди. Бу касб дунёдаги энг қиммат ҳақ тўланадиган касбга айланди. Бойиб кетган сартарошлар шаробфурушлар билан бир қаторда сердаромад кўчмас мулкларга эга бўла бошладилар.

- Оноре де Бальзак навбатдаги романи ёзиш даврида то уни ёзиб битирмагунча ювинмас ва соқолини олмас экан. Унинг айтишича, бу ишни бўшашмаслик учун қиларкан.

- Француз табиби Жером де Мерибел, агар қўлтиқлар “эчки хидли қўланса

ҳид таратса”, у жойларга атиргул баргини суртишни тавсия қилар эди.

- 1786 йили герман шоири Иоганн Гёте Оврупо бўйича сафар қила туриб, Италиядаги меҳмонхоналардан бирида тўхтади. У меҳмонхона мудиридан “ҳожатхона қаерда жойлашган?” деб сўраганида, ҳалиги ходим: “Сизга қулай бўлган ҳар қандай жойда” деган жавобни берган.

“Ўша даврларда одамлар нима билан артинганларини биз ҳалигача билмаймиз”, доктор Мартин Треу, диншунос (Би-би-си, “Насоролик реформацияси ҳожатхонадан бошланди” (Реформация — Ғарбий Европада католик черковига ва папа ҳокимиятига қарши олиб борилган диний тусдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат)

Марселдаги ахлатларни бевосита шаҳар кўчаларига тўкиш одатини фақатгина 1950 йилга келиб йўқотишга эришилди.

Баъзи тарихчилар Салоҳиддиннинг аскарлари қандай қилиб насоро лашкаргоҳларини бунча осон топа олишганига ҳайрон қолишарди. Жавоб жуда тез топилди: уларнинг ҳидидан!

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.